



СУЮНЧИ

Осмонда йиглаб келдим –
Дардларим майса бўлди.
Ерда битта бўлса ҳам
Бахтсиз камайса бўлди.
Гарчи йиглаб хар кеча
Тунларимни кон килдим,
Тонгда гулдан тошгача
Табассум эхсон килдим.
Азобларинг – мухтарам,
Мен дардингга харидор.
Товонимни ўпса ҳам,
Тиканларнинг хакки бор.
Юрагимни уйготган
Гамларингга минг шукур.
Гардларимни йўкотган
Дардларингга ташаккур!
Энди Сенда парвойим,
Дунёни ютиб кетдим.
Суюнчи бер, Худойим,
Ўзимдан ўтиб кетдим.
2006

ЯШАШГА ЖОЙ БОРМИ?

Лахзага тенгма-тенг ўчиб бораман,
Ўзимдан, сўзимдан чўчиб бораман.
Завол билмайдиган манзилни кўрсат,
Томирларим билан кўчиб бораман.
2005

СЎРОК

Дилни дилга йўлламай,
Йўлни йўлга уламай.
Хеч йўкса, бир гулламай,
Сўлиб кетаверайми?
Танда бор чўгим шу, деб,

Бандалик чоғим шу, деб,
Менинг бор-йўғим шу, деб,
Нолиб кетаверайми?
Кўклар нафасида,
Гуллар арафасида
Тошларнинг орасида
Қолиб кетаверайми?
Қандай кунга кўндим-ай,
Ич-ичимдан синдим-ай.
Ёнингизда индамай
Ўлиб кетаверайми?
Нега жимсиз?!
2004

УМРИМ

Бир лаҳзада осмон меники,
Бир лаҳзада яшаб оламан.
Бир лаҳзада босар гам юки,
Бир лаҳзада... бўшаб қоламан.
2005

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БАҲОР

Дарахтлар қайтадан уйғониб бўлди,
Бу йилдан қушларнинг умиди қатта.
Бугун манов ниҳол тўрт ёшга тўлди,
Гуллар ярашади унга, албатта.
Қўқариш пайида турибди ҳаслар,
Қуртаклар ҳаётга бўй чўзаётир.
Тошлар бағрида ҳам баҳорий ҳислар,
Барчаси мўъжиза, мўъжиза, ахир...
Қара, шундоққина ёнингда баҳор,
Осмон гуллаб бўлди, гуллади Замин.
Ҳозир юрагинг да қорға нима бор,
Сен қачон гуллайсан, Бехзод Фазлиддин?!
2004

КАЙГА ХАМ БОРАРДИМ?

Ҳаёлнинг отида Ойга бораман,
Қушлар етолмаган жойга бораман.
Сал ўтмай, барибир, қолаб тушгайман –
Ушқоча дард билан қайга бораман?!
2005

Рухим чинқиради, мендан тонади,
Уйғониб кетади яна орларим.

Бўгзимни куйдириб сўзлар ёнади,
Качон тугилади менинг шеърларим?
Минг-минг йилдан бери турибди яшнаб,
Ишонса бўлади илдизларимга.
Сўниб бораяпти ўзимга ўхшаб,
Ота, нима бўлди юлдузларимга?
Лахзалар тўкилиб бормоқда баргдай,
Бир куни какшайман уволларидан.
Кўркиб кетаяпман, хали тугилмай,
Боламнинг эртанги саволларидан.
Юрагим минг битта жойидан синди,
Качон бошланади Рухимнинг тўйи?
Факат битта таскин: ажабмас, энди
Мени одам килса эртанинг ўйи...
2003

1983 – 2006

Мен йигирма йилдан кўпроқ кечикдим,
Канча сарсон килди бу юрак – дайди.
Хаёт ниҳолини жуда кеч экдим,
Качон япроқ ёзиб, качон гуллайди?!
Кимларнинг ортидан югурдим, шошдим,
Юлдузлар кўз кисиб мени чалгитди.
Яна хато килдим, яна адашдим,
Гуноҳ лашкарлари жарга иргитди.
Барглари кор элаб турган лоладай
Нурга ташна пайтда тутунга тўйдим.
Ўтга бориб кайта куйган боладай,
Мен яна ўзимни такрорлаб кўйдим.
Хаёт мен толибга качон бошлар дарс,
Нега энди Яшаш келмас кўлимдан?
Буюк бўлганимда майда тошлармас,
Тоглар чиқар эди юрган йўлимдан.
Эхтимол, Бахтга ҳам бордир керагим,
Халол мисраларим кўймас уятга.
Хозирча ўзимдай дардчил юрагим,
Кандай хизмат килгай башариятга?
Майли, оккан сувлар, рози бўлинглар,
Жоним куйганида чанкок босдингиз.
Умри зилол бўлсин, дуо килинглар,
Дардлари уйгонган буюк дўстингиз.
2006

МАНГУ САВОЛ

Нега ўзим билан келишолмайман?
Нега юрагимнинг тили кисик – жим?

Нега ўлим билан олишолмайман,
Нега «нега»лардан иборат умрим?
Нега?!
2007

Менинг ўлмайдиган огрикларим кўп,
Кетиб бўлмайдиган дардларим бисёр.
Тилимнинг учида чандикларим кўп,
Мухаббат, кўнглимни гуллатиб юбор.
Худа-бехудага ранжитмай турса,
Тинглаб чарчамайман устоз Хаётни.
Кўксимни юлдузлар бўшатмай турса,
Ўкситиб кетмайман Адабиётни.
Илдизи шу кадар мустахкаммикин
Жонимда кўкариб ётган иллатнинг?
Кандай сўзлар билан овутмок мумкин
Дардлари ўзидан буюк миллатни?!
Худойим, умримни гуллатиб юбор...
2006

Мен – хаёт богида омонат япрок,
Тўкилиб кетаман эрта, индин ё.
Бир куни мен сенга кайтаман, Тупрок,
Бир куни мен сенга кетаман, Само.
Тангрим азал сени яратмиш суюк,
Кошингда заррача эмасман, зотан,
Шу кадар мангусан, шу кадар буюк,
Минг битта умримга арзийсан, Ватан!
Дунё нима ўзи – савдо бозори,
Яшасам бўларди дўст килиб танни.
Худо урмасмиди, етиб озори,
Хаётдан пастрокка кўйсам Ватанни?!
Ўтиб кўймасмиди Отам бахримдан,
Тўлиб кетмасмиди дўзах ноламга?
Конлар окмасмиди бу тош багримдан,
Ватан колдирмасам магар боламга?!
Йўк, бундай яшашга кўнолмайди жон,
Сени танимаслик – Рухимга иснод.
Сен деб яшамасам, борлигим ёлгон,
Сен бор, у дунёю бу дунём обод.
Менинг забоним – гул, кўлларим – сабо,
Сенга бўй таратмай сўлмайман, Ватан.
Хали кўп яшайман, аввали Худо,
Бахтингни кўрмасдан ўлмайман, Ватан!

2002

МАНЗИЛ

Булоклардан тоза кўзёшман,
Халқдан чикиб халқка бораман.
Мен шундай бир ўжар куёшман,
Шарқдан чикиб Шарқка бораман.

2007

ТУШУНМОВЧИЛИК

Бўлди, йигламайман, бўлди – кулмайман,
Юрагингни ортик этмайман безор.
Ўзимдан бошкани хафа килмайман,
Ўзимдан бошкага бермайман озор.
Кимларнинг кўнглига караб кун кўрдим,
Ялиниб бормайман Бахтнинг ёнига.
Кулиб бахтсизларга халакит бердим,
Йиглаб бахтлиларнинг тегдим жонига.

2006

ХУЛОСА

Хали тонг келади тунларни отиб,
Ўлимни кузатиб кўяй юртига.
Бугунимга нима ёзгансан, Котиб,
Кимнинг юрагига борай эртага?
Йиллар галвирида канча эландим,
Босиб кетаверди корлар изимни.
Томирларимгача Ишқка уландим,
Юрагимга сургун килдим ўзимни.
Хали еллар билан чопса бўлади,
Узайтириш мумкин Бахтнинг умрини.
Хаётнинг кўнглини топса бўлади,
Кутиб ўтирмайман Вактнинг амрини.
Ажал хам зерикди, шекилли, роса,
Энди чақирмасам, кайтиб келмайди.
Милёнта дардимдан битта хулоса:
Ўлиб кўрмай туриб яшаб бўлмайди.

2005

ЙЎЛ

Гариб кунлар бардошимни ичиб борар,
Кай манзилда чанкок босай, кайда тўхтай?
Бўгиламан – хаволар хам кочиб борар,
Бу дунёда мендан бошка ёмон йўкдай.
Ийманади гамдан олдин юз очгани,
Орзуларни дил тахтига михлаб кўйдим.

Яна канча муддат керак кўз очгани,
Мен шундок ҳам йигирма йил ухлаб кўйдим.
Увол килмай – эрмак учун ўлдирмасдан,
Лахзаларни капалакдай тутаверсам.
Худойимдан бошқасига билдирмасдан,
Чумолидай ризким териб кетаверсам.
Етолмасин, мангу ортда қолиб кетсин,
Армонларнинг кушларига дон бермайман.
Андухларим мёндан олдин ўлиб кетсин,
Куёшни бир ўпмай туриб жон бермайман...
2006

БАХТ БИЛАН ТАНИШУВ

Каерларда адашдинг, Дийдор?
Бир чехрани ёмон согиндим.
Кел, ёнимда гуллагин, дилдор,
Сенсиз бахорлардан огриндим.
Томчилари тоғлардан огир,
Юрагимни айламиш нишон,
Кўз юртингда тинмайди ёмгир,
Куёш менинг кўлимда, ишон.
Исмимни айт, тонглар уйгонсин,
Мени эсла – кулсин хаётинг.
Хотиралар кўнглингни олсин,
Асраб келар умримни ёдинг.
Тўйгунича ёғиб олсин, деб
Тан бериш йўк қору дўлларга.
Тунлари ҳам ёруғ бўлсин, деб
Юлдуз ёкиб кўйдим йўлларга...
Улуг ишга боғлаганман бел,
Йўлга чикдим азиз аҳд билан.
Кўзим нури, сен ҳам тезроқ кел,
Таништириб кўяй Бахт билан...
2007

КЎНГИРОК

Уйимни тўлдирган жимликни бузиб,
Хаётни эслатиб янграр кўнгирок.
Олисан бир гўзал (кўзини сузиб)
Гапирар, адашиб тушибди биров.
Ўзим билан ёлғиз қоларман яна,
Домига тортади хаёллар – денгиз...
Телефон!.. Жунбушга келади хона,
Яна ўша “Бошқа жойга тушдингиз”.
Нахот, ҳамма мендай адашган, ёнар,
Саволлар тош бўлиб урилар бошга.

Хар сафар алмашиб колар ракамлар,
Сўраган бегона, сўралган бошка...
Хамон довдирайман, Рухимда тўфон,
Мени шу симларга боглаб кўйган Вакт.
Юрагим жиринглар – жонли телефон,
Эхтимол, кўнгирок килаётган Бахт...
2006

КЕЛДИМ

Гуллар ранг алмашиб зерикмадилар,
Дунё товланишдан чарчамади ҳеч.
Ирмоқлар кўксимда бирикмадилар,
Келиб кўзларимдан кишанларни еч.
Бору йўгим билан ўзимга хосман,
Беназир ишкимдан хануз кўнглим тўк.
Канча юлдуз тўкди пойимга осмон,
Кўз учида бўлсин, караганим йўк.
Бошимни эгмокчи эди ранж-алам,
Мудом борлигингни билиб яшадим.
Сени билмасам ҳам, танимасам ҳам,
Ёдингни машъала килиб яшадим.
Бахт шундок ёнимдан кетди бурилиб,
Ишк ҳаққи, тилимни тишлаб турибман.
Шунча йилдан бери ўлиб-тирилиб,
Сен учун ўзимни асраб юрибман.
Асло тополмасин кайгу изингни,
Кулавер, ўрнингга мен сикиламан.
Уйкуларингда ҳам асра ўзингни,
Сенга шамол тегса, мен йикиламан.
Ой яна бепарво кўчамдан ўтар,
Шошиб Вактдан олдин кошингга елдим.
Кўзларингни очгин, пардани кўтар,
Кара, тушларингдан чикиб мен келдим!
2007

ЖОНИМ

Ўт ичида яшаш осонми, Жоним,
Нечуксиз? Жонингиз омонми, Жоним?
Айириб кўйишди йўлларимизни,
Одамлар шунчалик ёмонми, Жоним?
Кўнгилнинг юртидан кетиб бўлмайди.
Синовсиз манзилга етиб бўлмайди.
Ахир, мухаббатнинг кўчаларидан
Юракка тош солиб ўтиб бўлмайди.
Ер, Само биз билан, кисинмайдилар,
Ўткинчи кучларга бўйсунмайдилар.

Тушуниб турибди Худойим бизни,
Нега бандалари тушунмайдилар?!
Одамлар шунчалик ёмонми, Жоним?..
2004

МЕНДАН ЯХШИ ЁМОН ЙЎК
Кўнглингизнинг кўшкини ёполмайсиз, барибир,
Мендан яхши ёмонни тополмайсиз, барибир.
Мингта булбул нагмаси битта изхоримча йўк,
Дунёларнинг рохати зарра озоримча йўк.
Кўзингизга ўт ёкар кўкка чизиб расмимни –
Иниларим – юлдузлар эслатади исмимни.
Кейин кандай яшайсиз – хаволар хам ёкмайди,
Оворалар бўлибсиз, менсиз Куёш чикмайди.
Изингизга гул отган дунёларнинг кўнгли кир,
Мендан яхши ёмонни тополмайсиз, барибир...
2006

СИЗГА САВОЛ
Кўзингизда турган дардми, армонми,
Севилиш осонми, севиш осонми?
Сизсиз яшолмайман, деб чарчамайсиз,
Жоним, хаётингиз шунча арзонми?!
2006

СЕВГИНИ СЕВГАННИ...
Аллакачон тўзиб кетардим, балки,
Ва ё гамлар мени этарди адо.
Кимнингдир кўнглини олгандирманки,
Юрагимни асраб келяпти Худо.
Ўзи якин олди мени Ўзига,
Кунда Куёш бўлиб йўклаб турибди.
Мен айтган тоза бир Сўз эвазига
Килдай хаётимни саклаб турибди.
Нимага кўзимда юлдуз кам – Ишк кам,
Мен ношуд умримни кимларга бердим?
Кўксим нурга тўлиб битта гул эксам,
Оркасидан ўнта ниҳол синдирдим...
Барибир, кўнглимга келаверди У,
Кечирилиб кетди хар кандай хато.
Ахир, мен севишни ўрганяпман-ку.
Севгини севганни севади Худо...
2006

Кўзингдаги селларингни куритаман,

Гамларингнинг тиши сингай – каритаман.
Зарраман-у, тафтим мингта куёшга тенг,
Шам бўлсам ҳам йўлларингни ёритаман.
Хаётингни хаёлимга ўраб тургин,
Совиб колсанг, чўгларимдан сўраб тургин.
Факат ўзинг ўчишимга кўйма мени –
Факат ўзинг кўзларимга караб тургин.
2005

МЕНСИЗЛИК

Юлдузлари ичкиб колди,
Махзун энди Ойсиз осмоним.
Сенсизликка кўникиб бўлдим,
Кандай экан менсизлик, жоним?!
Ана, кўзим кўзингдан ўтди,
Кўй, яширма титрокларингни.
Хато килдинг, ўзингдан ўтди,
Тишляяпсан бармокларингни.
Энди нурга бегона юзинг,
Куёшингнинг ранглари кани?
Сигмаяпсан ўзингга ўзинг,
Хаётингнинг тонглари кани?
Кечаларинг ўзингдай гариб,
Армонларинг осмондан катта.
Юрагингга термилиб туриб,
Йигляяпсан биринчи марта.
Ухлаб колган кунларинг хакки,
Менинг ўрним бошка – бўлакман.
Йиглаб колган тунларинг хакки,
Мен, барибир, сенга керакман!
2003

Качон кўзларингга султон бўламан?
Каерда жонингга туташган йўлак?
Кўчангни кидириб нима киламан,
Менга юрагингнинг манзили керак!
2003

КЎЗИНГИЗНИ БЕРИБ ТУРИНГ

Ёлгизгинам, фариштага тенгликкинам,
Жон риштасин жонингизга боглаб олай.
Иккимизнинг дардимиз бир, мунгликкинам,
Кўзингизни бериб туuring, йиглаб олай.
Мен бошимни урмаган бир тош колмади,
Ростин айтсам, юрагимда дош колмади.

Куриб колган кўзларимда ёш колмади,
Кўзингизни бериб тулинг, йиглаб олай.
Узун-узун армонларим чикиб кетсин,
Зардобларим кўзёш бўлиб окиб кетсин.
Калбимга бир кизгалдоқлар бокиб кетсин,
Кўзингизни бериб тулинг, йиглаб олай.
Мен шабнамман, губорларга кўнолмайман,
Ё гул бўлиб тош юракда унолмайман.
Кўнолмайман, бу дардларга кўнолмайман,
Кўзингизни бериб тулинг, йиглаб олай.
Кузгунларнинг килигидан зорим келди,
Тог калбимга нафрат деган сорим келди.
Ўзим бўлиб йиглолмайман, орим келди,
Келинг, Сизнинг кўзингизда йиглаб олай,
Жон риштасин жонингизга боглаб олай...
2001

ОТАМЛАШУВ

Бу дунё – галвали уй, дейсиз,
Хар жонда минг ташвиш, ўй, дейсиз,
Ўзимга сигмайман, сиз хар гал
Кўп гапирмай, чойдан куй, дейсиз.
Мен озиб-ёзиб бир боргандим,
Озурда кўнглимни ёргандим,
Йигламай йиглашни ўргандим,
Тишингни тишингга куй, дейсиз.
Кўзимда дунёча ёш бўлса,
Кўксимда бир уюм тош бўлса,
Нахотки, белбогим бўш бўлса?
Хар нени хикматга йўй, дейсиз.
Кечалар бахтимни туш кўриб,
Биргина бошимни кўш кўриб,
Катта бўлганимни хуш кўриб,
Қачон яна элга тўй дейсиз?
2007

ОНАМ ЁЗОЛМАГАН ШЕЪР

Сочларимда ок гуллар,
Қел, уларни тер, болам.
Йўлингга мушток йўллар,
Болам бўлиб бер, болам.
Кўксимга ой беркитдим,
Юлдузларга чой тутдим.
Отангдан хам кўп кутдим,
Бахтим бўлиб бер, болам.
Титраган созингни куй,

Бўгик овозингни кўй.
Калам-когозингни кўй,
Ўглим бўлиб бер, болам.
Йўл учун тукканмидим,
Гул учун тукканмидим,
Пул учун тукканмидим,
Борим бўлиб бер, болам.
Калдиргоч синглинг беҳол,
Канотидан хатни ол.
Ишинг кўпдир, эҳтимол,
Келмай кўявер, болам...
2006

ЭНГ АЧЧИК БАХОНА

Корин тинч кўймайди – нон топиш керак,
Ташвишлар судрайди мени хар томон.
Ўзини эсидан чикарди Юрак,
Яшашга вақт кайда, Онажон?!
2004

АЙБНОМА

Бехзод Фазлиддинга айтиб кўйинглар,
Бу тун ҳам ухламай чиқди отаси.
Узун бўлиб кетди, тилин кийинглар,
Онаси кўксида гамлар шодаси.
Кишлар келиб бўлди, у гап тузгунча,
Бир бор ховлисида кор кураб берсин.
Бировга ёкай деб гуллар узгунча,
Бориб онасининг дардини терсин.
Кейин гуллайверсин, кўкарсин, майли,
Отанинг дуоси бошлагай тахтга.
Нега толедан йўллари айри,
Онасиз ҳам бориш мумкинми Бахтга?!
Ишига ишк кўйган кандай фарзандки,
Лоакал кўнглини очиб кетмайди.
Дарвоқе, у кишим шунчалар бандки,
Ўзидан бошкага вақти етмайди...
2007

ШОИР

Хамма сўзлар Сеники эди,
Сочдинг, териб олавердим жим.
Бу олтинлар меники энди,
Мен энг бахтли ўгриман, Тангрим!
2006

ОГРИК

Канча кунлар казо бўлди,
Жонимизга жазо бўлди.
Биздан кимлар ризо бўлди?
Эгамизга нима деймиз?
Иймон азим дарахтдир хўб,
Япрогидан меваси кўп,
Шохларини синдирдик хўп,
Эгамизга нима деймиз?
Капалакка кўл бермадик,
Чумолига йўл бермадик,
Дил олмадик, дил бермадик,
Эгамизга нима деймиз?
Уйгонгимиз келмас сира,
Кўзимизни босган шира,
Борган сари кўнгил хира,
Эгамизга нима деймиз?
Шайтон бунча сохибжамол?!
Конимизда топар камол,
Хаётимиз – битта савол:
Эгамизга нима деймиз?
2007

БИЗ

Кўхна хотиралар махзун кўз очди,
Хаёт козонида кўпайди камлар.
Куюш чикканига минг йилдан ошди,
Нега уйгонмайди одамлар?!
Кадамлар ножўя, кадамлар огир,
Гиёхлар кўзида оби зам-замлар.
Юзини яшириб йигламокда Ер,
Нега ишонмайди одамлар?!
Кўлларида Чўгни асрагай кандай,
Нахот, ўчиб борар асрий бу шамлар?
Жаннатга буюртма бериб кўйгандай,
Нега шошилмайди одамлар?!
Шабнамлар алвидо айтдилар сокин,
Бир нурли висолдан титраган дамлар.
Бу тонг охиргиси бўлиши мумкин...
Нега тушунмайди одамлар?!
2008

ЎЗИГА

Чакирсанг, хеч каерга чекинмасдан келдим-ку,
Тогларнинг оркасига бекинмасдан келдим-ку.
Каргаларнинг тилига инсоф тилаб яшадим,

Ўзимдан бошқасига тегинмасдан келдим-ку.
Энди холимни сўра.
Качонгача армонлар кулбасига кўнокман,
Мен дунёнинг ортидан чопаётган чўлокман.
Йиллар аро сўзларим манзилига етмайди,
Юрагимни тилимга кўчиргани нўнокман.
Энди кўнглимга кара.
Совиб колсам, жонимни кайси ўтларга тутай,
Нурларингнинг багрида кирларимни йўкотай.
Бўшаб колган кўзларим, ўзим бедор бўлмасам,
Кўксимдаги кушчани қандай қилиб уйготай?!
Энди холимни сўра.
Мен бу ерга Сен учун эгилгани келганман,
Лолаларнинг кўзига тикилгани келганман.
Ишонтирсанг, хукмингни бажармасдан кетмайман,
Хаммаёкни гуллашиб, тўкилгани келганман.
Энди кўнглимга кара,
Энди ўзимга кара...
2005

Ризким тош бўлса ҳам, халол эт – қанд қил,
Мени мандан қутқар, Ўзинга банд қил.
Тубанда юзимни йўкотаёздим,
Мени юрагимдан бошлаб баланд қил.
2007

Юролмайман, оёгимда лойларим кўп,
Кучукчалар тишлаб олган жойларим кўп.
Осмонларга даъвогарлар бисёр экан,
Чап кўксимда чикмай ётган ойларим кўп.
Юрагимни кемиради минг битта ўй,
Нахот, энди ялпизларим сочмайди бўй?!
Мен бандангнинг кўлларига ишонмайман,
Танграм, энди Ўзинг мени тургизиб қўй!
2003

катта–КИЧИК

Хаёт гулларига энг мард харидор,
Бўлса ўзларига суюқ юклари.
Тошларни уйготган нурдай хокисор,
Кичкина калбларнинг буюкликлари.
Юзларин Куёшга тескари бурар,
Булут кўзларидан кетмайди нари.
Мудом хаётингни эговлаб турар

Катта одамларнинг майдаликлари.
2007

ХАЁТ СПЕКТАКЛИ

Кечаги ёш бола бугун кемшик чол –
Биров тугилганда биров ўлади.
Яна ўша ўзим хохламаган рол...
Дунё томошабин бўлиб кулади.
Одамларга айтар бошка гапим бор,
Тугаб боряпман-у, нега барча жим?
Мени маъзур тутинг, жаноб Режиссёр,
Бахтлилар ролини ўйнаб чарчадим...
2006

ХАСРАТ

Ярам ўтиб кетди жон-жонларгача,
Хали кўп инграйман азонларгача.
Ўйлаб чарчамайман қачонларгача
Армон гулларига илдизлигимни?
Кўзимга туманлар кутади кимлар,
Изимга тиканлар отади кимлар,
Сўзимга кишанлар тутади кимлар,
Билиб осмони йўк юлдузлигимни.
Мудом кўз остидан чиккан арилар,
Умримдан гунохлар йиккан арилар,
Бировнинг нишида чаккан арилар
Билмасми булбулмас, кўнгизлигимни?
Юрагим – оёқлар тикилган чашма,
Хали бир томчимга киламан ташна,
Ўзимга солишинг шарт эмас, ошна,
Ўзим ҳам биламан ёлғизлигимни...
2002

ЖОНДАН ЎТДИ

Токка чикай, десак, тошлар кўймаса,
Кўзга ёкай, десак, кошлар кўймаса,
Яшашга мана бу бошлар кўймаса...
Бизга ҳам аталган дунёлар борми?!
2006

ОЙГА ТЕГМАНГ

Нима килсам, Ойни бошка йиглатмайсиз.
Нима килсам, тинч кўясиз осмонларни?
Нима килсам, юлдузларга тош отмайсиз,
Нима килсам, ўлдирмайсиз жайронларни?
Бирга Хакнинг айвонига боради, деб,

Калдиргочлар кўлларимдан тутиб олган.
Хеч бўлмаса, панох сўраб беради, деб,
Оёгимга кийикчалар ётиб олган...
Ёмонларга пастлагим йўк, асли, лекин,
Гиёҳларнинг номларидан кўл сўрайман.
Хали кечмас, хали яна севиш мумкин,
Мен гулларнинг кўнгли учун йўл сўрайман.
Нурга кайтинг – рўёларни кетказасиз,
Еру кўкнинг тинчи учун бошланди жанг.
Бу кетишда умрингизни ютказасиз,
Ўзингизга шафкат килинг – Ойга тегманг.
2005

Ялинчок эмасман, кибриммикан бу?
Ўзимнинг ўзимга жабриммикан бу?
Яшашим мумкин-ку жонимни сийлаб,
Тош тишлаб юрибман, сабриммикан бу?!
2003

«Сен қачон гуллайсан» (2008) китобидан.

Ташкарига чиқдим. Юрагим кўлда.
(Бутун бир кўчани ёритарми шам...)
Бўлиши мумкин-ку худди шу йўлда
Умрида ёруглик кўрмаган одам.
2008

УЙҒОНИШ

Кўзларимдан оловлар сачрар,
Кафасдаги шердай огриндим.
Хувиллаган одамзор ичра
Хаёт, Сени жуда согиндим!
Кундалигим бир хил: уй, йўл, иш...
Каноти йўк кушга ўхшайман.
Ташвишларнинг ортида ташвиш...
Бу туришда қачон яшайман?
Қайда эшик очдим гавгога?
Йўл бошида йўкотдим йўлни.
Оз бўлса ҳам тоза хавога
Олиб чиқдим келар Кўнгилни.
Ёниб кетгим келади бирдан,
Адо килди тунга шериклик.
Некбин-некбин нигоҳлар билан
Бугун сенга зорман, Тириклик!..

Юрагимда орзугул унар,
Умид тинмай килар кўнгирок.
Борган сари кўзларим тинар –
Борган сари Куёш якинрок...
2008

УЗУН ОРЗУ

Бирдан канот ўсиб чикса елкамдан,
Учсам. Хаммасини унутсам. Кетсам.
Асар хам колмаса шум кўланкамдан,
Армон етолмаган манзилга етсам.
Кувиб тутолмаса ортимдан лаъин,
Мухаббат ўртада бўлмаса даллол.
Худди шу энг макбул, тўгри йўлдаин –
Учишим ҳеч кимга келмаса малол.
2008

БОЗОР

Бугун хам пул эмас, Нур излаб чикдим,
Нигохларим тоза – кўзимда кир йўк.
Яна назари оч тўпга йўликдим,
Одамман деган кўп, юзида нур йўк.
Кандай юрак очай юраксизларга,
Нахот, шуларни деб тўкмокчиман тер?
Ёрдам бергим келар махбус сўзларга,
Гаплар осмондадир, пойгакларда Шеър.
Яшаш хадисини билмасман, балки,
Инсонлик илмидан олурман таълим.
Халолликдан сабоқ берарми ёки
Ўзи амал килмас Хаётмуаллим?
Тошларни чайнашга темир тишим бор,
Чўкиб кетмасликка топарман кудрат.
Меншунослар билан нима ишим бор,
Бу йўлдан кўз юмиб ўтгум йўк факат...
2008

ЭСКИ ХАКИКАТ

Дунё эски, ташвишлар эски,
Навкирондай бу гамлар кўхна.
Карсак чалиб топамиз таскин,
Хаёт ўзи эски бир сахна.
Гар пихини ёрган фукаро
Ўзлаштирмок бўлар бугунни,
Ечолмаслар минг йиллар аро
Севги деган эски тугунни.
Ким бировни йиглатиб кулар,

Шу ўйинлар менга кизикми?
Ё ўчириб берарми улар
Пешонамда турган ёзукни?
Факат сира тинч кўймас бир хол,
Ўйлатади дунё ишлари:
Нигохлари маъюс мажнунтол,
Чинорларнинг хўрсинишлари...
2008

ЎГИЛ

Дада, далангизга дард сочиб келдим,
Яна машаккату захматлар Сизга.
Белингиз огриди, мен кочиб келдим,
Качон олиб бердим раҳматлар Сизга?
Ая, согинчингиз сочи окарди,
Бормадим – кўпайиб кетди тўйларим.
Шу ёшимда факат севиш ёкарди,
Сиздан кўра кўпрок уни ўйладим.
Бошдан нима ўтди – билдирганим йўк,
Кимдир тўкаверди нур изларимга.
Ўзимни-ку хафа килдирганим йўк,
Озор бериб кўйдим азизларимга.
Майсалар, парёстик бўлинг, бош кўйса,
Чинорлар, Отамнинг ёнида юринг.
Боласини ўйлаб юраги куйса,
Аччиккина килиб чой дамлаб беринг.
Бу ташвишлар билан бўлмади қариб,
Мени кутиш учун келган оламга.
Кўллари толмасин челак кўтариб,
Булутлар, сув ташиб туринг Онамга.
Дада, дардингизга бошман, биламан,
Ая, тушларингиз бир кун келар ўнг.
Хали юзингизни ёруг киламан,
Одамшоир бўлиб борганимдан сўнг.
2008

“УЧЛИК”ЛАРИМ

Сўқирнинг кўлига шам берма, дедим,
Хаёт кафгирига дам берма, дедим,
Мендан бошқасига гам берма, дедим.

Соядай кадамим пойлайди Гунох,
Мени ўзимдан кўп ўйлайди Гунох,
Нимага яшашга кўймайди Гунох?!

Товланишни бас кил, зарга огмайман,

Шеър билан овутма, сўзга сигмайман,
Мен йиглай олмаслар учун йиглайман.
2008

ЖАВОБ

Мени тушунмади тушунганларим,
Уларни тингладим, ўзимни тийдим.
Ишонмай кийнади ишонганларим,
Митти озорларни кечирдим-кўйдим.
Ёт сўзга беркитдим кулоқларимни,
Хакгўй кўзларимни атадим ганим.
Шамоли ўчирди чирокларимни,
Мендан кечиб кетди кечмаганларим.
Дўстлар, дўстларимга айтинг, шошмасин,
Арзонга учмасин сотмокчи бўлса.
Хиёнатиди хам майдалашмасин,
Каттарок тош отсин отмокчи бўлса!
2008

Колган чакаларни эслагим йўқдир –
Чирок бўлолмайди ортимда, ўлсам.
Факат нур сўрадим, факат нур йигдим,
Факат меҳр олдим, қарз олган бўлсам.
2010

Кош қорайди, ўйчан қискарди кунлар,
Тагин не ташвишда кўнгли юпунлар?
Хали кул остида мудрар учкунлар,
Кутинг...
Бирдай ўтди ойнанинг икки ўн беши,
Кечанинг бугунга ўтмади тиши,
Азалнинг иши бу, абаднинг иши,
Кутинг...
Севмаса севмасин сиз якто билган,
Келмаса келмасин сизни қон қилган,
Кутган ҳам ҳақ эрур, ҳақдир қутилган,
Кутинг...
Ким қимни ўчирди хотирасидан,
Ким четлашди ишонч доирасидан,
Кимдир боқар кўнгил ойинасидан,
Кутинг...
Бу асрий лахзалар сигмайди сўзга,
Севги бир шарпадир, кўринмас кўзга,
Яхши биласиз-ку, чора йўқ ўзга,

Кутинг...

2009

ДОВОН

Шу халк ўссин, шу юрт кўкарсин,
Изга тушиб кетар колгани.

Бошин мангу баланд кўтарсин,
Олтин бўлсин тош деб олгани.

Омон ўтди йиллар захридан,
Туришлари мардона бўлди.

Ганим эриб кетди меҳридан,
Окибати афсона бўлди.

Бек боласин қадами шаҳдам,
Багри бутун, илиги тўла.

Гижинглаган тойчоклари хам
Ўв дилига солар гулгула.

Эндигина тонглар отганда
Парчаланмас азалий токат.

У кунларга киёс этганда,
Бу кунларнинг захмати – рохат.

Юракларда бирдамлашайлик,
Суягани етар кудрати.

Ўзимиздан баланд яшайлик,
Шу юрт ҳақки, шу халк ҳурмати.

2009

Онангнинг энига камзул бўлмаса –
Хар дайди шамолдан асраб тургани,

Отангнинг кўлига омбур бўлмаса –
Ўгочлардан нобоп миҳ сугургани,

Синглиннга сарупо, сеп йигилганда
Фойдаси тегмаса чит кўйлакчалик,

Ташвишлар укангга зўрлик килганда,
Химоя этмаса бир билакчалик,

Лаббай, деб келмаса говларни ёриб,
Мунаввар тонгларга йўргак бўлмаса,

Ганимнинг кўзини ўймаса бориб,
Эгилган элингга тиргак бўлмаса...

Шу шеърни тўкимай турганинг яхши,
Хар сатри конингдан ўтмагунича,

Шу шеърни ўкимай турганинг яхши,
Оламини хотиржам этмагунича...

2009

ЎЛГОН

Илож йўк, бошка бир йўли йўк,
Рост гапни ичимда асрайман.
Кўнглимнинг кўнглини килиб тўк,
Сен буюк бахши, деб алдайман.
Кўчаси чанг килди эгнимни,
Шу гаплар, ох, менинг тенгимми!
Умримга дог сочган севгимни
Хаётим накши, деб алдайман.
Ўзимга тинмай чох казарман,
Сал колса, аклимдан озарман,
Шу экан аввалу азалдан
Дунёнинг иши, деб алдайман.
«Ахволинг тузукми, той болам,
Шоирим – орзуга бой болам».
Дардимни билмайсиз, жон онам –
Хаммаси яхши, деб алдайман.
2009

Гул каби сочилди мен гул тутганлар,
Менга кўз тикканлар ўйларимда йўк.
Мен юзга гардини тавоф килганлар
Кўнглимнинг кўксига санчиб кетди ўк.
Гул каби сочилди мен гул тутганлар.
Изимга зорларни зор этдим баттар –
Кўксимдан музларни аритмадилар.
Хеч кўркмай умримни хадя этганлар
Бир бор тушларига арзитмадилар.
Изимга зорларни зор этдим баттар.
Ким эдим?.. Нимага айландим бугун?
Саробга интилган дунёпарастман.
Кўл етмас юлдузман бировлар учун,
Севгимнинг қошида хасча эмасман.
Ким эдим?.. Нимага айландим бугун?
2009

Армонкизнинг кўзи баттар сузуклашди,
Шеърим ўкиб кимнинг холи тузуклашди?
Калам тутиб кўлим факат нозиклашди –
Уйда ўтин ёрганларим яхши эди.
Дил безиллар бу бемаврид шамоллардан,
Саволлардан кочиб бўлмас, саволлардан,
Чарчадим-ай огир-огир хаёллардан –
Кетмон чопиб хорганларим яхши эди.
Ўйлайверсанг ўйдунёнинг ўйи битмас,

Кўли узун ташвишларнинг тўйи битмас,
Унда бобом бошлаб кетган уйи битмас –
Кишлоқда лой корганларим яхши эди.
Тутам умрим тўлиб борар туманларга,
Ёмонларга ўлим йўқми, ёмонларга,
Ўзим билан борса келмас томонларга,
Худо хақки, борганларим яхши эди...
2011

ОЧИЛМАГАН МАКТУБ

Дада!
Хаммасини кўриб, билиб турибсиз –
Чидаб бўлмайдиган феъл-атворим йўқ.
Сал елкални кисиб ўтсам, тийиксиз –
Кесаклар бирлашиб дўк уради, дўк.
Мендан нима кетди – кўлимдан келар
Замонсоз юзларга нур сўраб яшаш.
Хар махлук устимдан кулмокчи бўлар,
Баъзан огир ботар Одамга ўхшаш.
Омад хам бегараз йўқламас, ёху,
Билиб туриб атай бой бердим нақдни.
Керагидан кўпроқ имкон берди-ю,
Хеч раво кўрмади энг зарур Бахтни.
Ўзимга ўзимни обдон талатиб,
Томошатаблар ўйин кутдилар.
Ахёнда бир қошиқ асал ялатиб,
Ортидан косалаб огу тутдилар.
Билмайман, не сабаб омондир бошим,
Нега тарс ёрилиб кетмайди юрак?
Кўзимда тош каби котади ёшим,
Дардимни ололмай сўзлар жонсарак.
Тушунгим келади, етмайди аклим,
Хеч эплай олмадим ишонтиришни.
Биласиз, бурнимнинг учида жахлим,
Сиз хам талаб килманг тушунтиришни.
2009

МУСОФИР

Шеърларимнинг сочлари оппок,
Ўйчан сўзлар юзида ажин.
Боккин, ахир, Онажон, бир бок,
Ўглинг нега бунчалар гамгин?!
Балки, жуда эрта улгайди
Юрагимда гуллаб ётган дард.
Кўзларимда тунлар ухлайди,
Халка-халка ёшларимни арт.

Кечагина подшодай эдим,
Атрофимда минглар парвона.
Баридан воз кечиб мен энди
Бир сўккабош далли-девона.
Кун кариди, совиди чойинг,
Пахта гулли пиёланг маъюс.
Йигмай менга тўшаган жойинг,
Дарвозадан хатлаб ўтди Куз.
Не кўйларга солмади Орзу...
Ногох учиб борсам кошингга.
Огушингга гўдакдай ол-у,
Мехрлар бер мен бебошингга.
Хали жуда ёшсан, чирогим,
Армон сени йўкламайди, де.
Эркалаб айт: Ўйинкарогим,
Ўгил бола йигламайди, де...
Дунё ҳақда ортик билгим йўк,
Хар не дедим, барчаси – бекор.
Шох бўлгим йўк, шоир бўлгим йўк,
Бугун факат боланг бўлгим бор.
2010

ХАВАС

Ухламагим келяпти.
(Жиянимнинг хархашаси)
Эркалангин, болажон,
Канд-курс тўлсин кўйнингга.
Катта бўлсанг бир замон,
Ким ҳам қарар кўнглингга.
Майли, ётма, ухлама,
Ўйна холдан тойгунча.
Тушиб колмасин яна
Огзингдаги мойкулча.
Куйилмайди қариб ҳам,
Улар сендан баттар шўх.
Хафа бўлма, жиянчам,
Катталарнинг эси йўк.
Текканида дам-бадам
Ташвишларнинг калтаги,
Сиз яхшисиз ҳаммадан,
Деб мени ҳам алдагин.
Кунларим эртак – хомуш,
Ишонмагим келяпти.
Болалик – энг ширин туш,
Ўйгонмагим келяпти.
2009

...чунки кўп нарсадан кўнглимни уздим,
чунки хафсаламни пир килди хаёт.
чунки билиб-билмай ниятни буздим,
чунки еру кўкдан бўлмади нажот.
чунки ўзим билан келишолмадик,
жиндаккина аклим эгмади бўйин.
имкон ила вақтни бўлишолмадик,
чунки хаммасининг максади – ўйин.
чунки изгиб юрар бунда кора рух,
баттар авж олдириб хазин оташни.
этимни чимчилар совук бир андух,
чунки истамадим осон яшашни...
чунки...
2009

ОСМОНДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР
Еру осмон ораси – хаёт,
Сафаримнинг номи – алданиш.
Бунда менга хамма нарса ёт,
Бунда менга хаммаси таниш.
Ёпилмокда илинж дарчаси,
Кўчишлардан бўлганман хориб.
Унутмокчи эдим барчасин
Пўлат лочин багрига кириб.
Бир ён булут, бир томон туман,
Кайга олиб кочай кўзимни?
Хар йўловчи нигохи билан
Тафтиш этдим яна ўзимни.
Учган сайин улгаяр гуссам,
Хавотирнинг кўзлари лўқдир.
Бир он мизгиб олайн десам,
Осмонда хам халоват йўқдир.
Тошкент – Москва – Берлин
2009

Хар куни кўксимда кўпқари,
Олишар чавандоз туйгулар –
Гирромга ўрганган кўплари.
Уялиб кетаман ўзимдан,
Тагинам гунохнинг хиди йўқ,
Кун кочиби боради изимдан.
Улуг бир хатони бошладим,
Каламнинг юргиси келмайди,
Шўрликни... синдириб ташладим...

2009

Ортик ушлаб турмай, очик осмонга
Кўйиб юбораман юракни – шарни.
Аста сингиб кетар мовий майдонга
Паналаб ўтгандай машъум хатарни.
Хеч ким никтамаса, хеч зог тегмаса,
Боладай ўйноқлар завкка берилиб.
Кўркаман, кўкда ҳам озор чекмаса,
Ёрилиб кетмаса эди, ёрилиб...

2009

Не хикмат дилингнинг яролигида,
Беадог тахайюл йўлига жим бок.
Кутиш ва куттириш оралигида
Йигирма йил ўтди – колгани жумбок.
Нимадир етмади, яна, кимдир кам,
Балки, омадсизлик эди омадим.
Улгурса бўларди тозаришга ҳам,
Яшашни билдим-у, яшай олмадим.
Гохи уялтириб, гохи уялиб
Бирма-бир жон берди дакикаларим.
Шунчалар ишондим, келдим суяниб –
Хакка элтгаймикан хакикатларим?

2009

АНГЛАШ

Йилларим жам бўлиб Кунга айланди,
Ёлгонлар йигилиб чинга айланди.
Бутунлик касб этди сочилган заррам,
Менларим бирлашиб МЕНга айланди...

2008

Бехуда чикиллаб толикди соат,
Лахзалар карвони бўлолмади жам.
Киёфа жангидан чекинди сурат,
Ўзини кутишдан тўймади Одам.
Йиллар окиб кетди – юзлари сўлгин,
Таъмини йўкотган туйгулар тахир.
Тонгни бедор кутди безовта, дилхун,
Илинжнинг ўлгиси келмайди, ахир.
Кадарда борига килмади зарда,
Сўзласа, сукутдан баланд сўзлади.

Валекин энг сўнги сонияларда
Илиниб колмаса эди кўзлари...
2009

НОМА

Настарин гуллари мушток хатимга...
Ёдингиз багрида тунларим окдир.
Кайси хизматимга, кай захматимга
Мени зулфингизга богламиш тақдир?!
Губорлар текизмай хаёлингизга,
Хаёни нарига кувмай севасиз.
Юрагимни тугиб рўмолингизга,
Сиз айтмай севасиз, “севмай” севасиз.
Бемаврид хатарни пайкаган кушдай,
Каёкка беркинди туйгулар – инжа?
Хунобдир амалга ошмаган тушдай,
Гумон кўксингизга сололмас панжа.
Кўнгил кўргонига етказмас шикаст,
Парволар килмайсиз ёмгирга, дўлга.
Куйдириб кетолмас – тафти жуда паст,
Сув сепиб кўясиз хижронли йўлга.
Улар севгим каби шаффоф, бетамаъ,
Юзга солмас олис гунохларимни –
Богимга бегона хазон, деб яна
Супуриб юборманг нигохларимни...
2008

Севги, о, гунохдошим,
Тўполончим, бебошим!
Юрагимга тош отдинг,
Синай деди бардошим.
Хеч гапимга кирмадинг,
Йўл бошладим – юрмадинг.
Ёш боладай ортингдан
Чопганимни кўрмадинг.
Гох тирилдим, гох ўлдим,
Гадо бўлдим, шох бўлдим.
Эшитмадинг, шекилли,
Янгиланган ох бўлдим.
Хисларимни ўйнадинг,
Панд беришни кўймадинг.
Ўзинг уни кўрсатиб
Яна мени кийнадинг.
Килармисан тасаввур:
Ё мухаббат, ё гурур.

Бир сўз айтар севганим,
Минг йилгача чидаб тур.
2008

Бундан буёгига бодомлар бедор,
Бундан буёгига бутоклар бежо.
Балогат бўйлаган богларда бахор,
Бунчалар бекиёс, бунчалар барно!
Кела кол, новдалар кўймасин гуллаб,
Яшнамок фаслини ўзинг бошлаб бер.
Кадаминг тафтидан ёнсин ловуллаб,
Интизор йўлларга нигоҳ ташлаб бер.
Бежиз лаб очишга ошикма бир дам,
Хали маврид келмас хайру хўшларга.
Гулларга сабок бер вафо илмидан,
Мухаббат кўшигин ўргат кушларга.
Бўйларинг атрига гунчалар хумор,
Нафасингни сезиб тонглар жилмайди.
Оний табассуминг каби бетакрор
Бу бахор, бу бахор кайтиб келмайди!
Кўзларим каярига кўмилар олам,
Дилни даста-даста ашъор килган – Сен.
Сен каби яшнашни билмайди кўклам,
Кел энди, бахорни бахор килган – Сен.
2010

Кўзларимга ишон, кўлларингни бер,
Ахир, гамларингни тугатмокчиман.
Ўзим билмайман-у, лекин, барибир,
Мен сенга яшашни ўргатмокчиман.
Кел, илми ушшокни ўзлаштирайлик,
Бирга нажот топсин бу яримжонлар.
Орзунинг исмини ўзгартирайлик,
Имконлар навбатда турар, имконлар.
Кўнглингдан ўзгага кулок солмагин,
Чорла, безовта кил, тушларимга кир.
Аммо аро йўлда туриб олмагин,
Факат кетмасингга мени ишонтир.
2008

Юракка айландим бошдан то охир –
Кўзим юрак бўлди, вужудим юрак.
Сурату сийратда улуг Ишк зохир,

Колгани афсона, колгани эртак.
Кошимда япрокдай титради Дунё,
Кўлларим чўзаман – узилгиси йўк.
Хазонга дўнишни истамайди, ё
Бедиллар пойида эзилгиси йўк.
Коинот самовий зийнат уфурар,
Яна кўзларимда жилваланди Нур.
Юрак эканимни эслатиб турар,
Шу ёруг Дунёнинг борига шукур.
Юракка айланиб сирлашар окшом,
Тим кора денгизда Оймома сузар.
Тошиб турар Офтоб – туйгу тўла жом,
Юракка ўралган хар нарса гўзал.
Тобора махкамрок юмаман кўзни,
Барча дилсизликка бергандай бархам.
Менинг юрагимга жо килиб ўзни,
Юракка айланиб бормоқда олам...
2010

Севги ёмон, севги дилозор,
Бор-будимдан мени айирди.
Андишасиз мехмондай беор
Дил уйига сўроксиз кирди.
Чехрасида жозиб табассум,
Бир чиройли хислардан ийдим.
Беихтиёр – билмасдан ўзим
Уй тўрига ўткизиб кўйдим.
Эъзозладим, багримни очдим,
Хизматида бўлдим эрта-кеч.
Дастурхонга боримни сочдим,
Шунданмикан, кетгиси йўк хеч.
Кундан-кунга бўлди якинрок,
(Ё мезбонни ёктириб колди.)
Хаёлимга ташлади кармок,
Мени буткул огдириб олди.
Гуруримга кейин солди чанг,
Ўзлаштирди ичу сиртимни.
Хеч канака кўшинсиз – бежанг
Ишгол этди Кўнгил юртимни...
Энди нажот сўрайман кимдан?
Ё бўшатгим келмас майдонни.
Хайдолмайман хануз умримдан
Севги отли гўзал шайтонни...
2008

Шу кеча эртагин тугатмаса кор,
Сен совук котмасанг – уйга кирмасак,
Ок, оппокдан бўлак рангни билмасак,
Майлига, кечикса кечиксин бахор.
Эртани ўйлама, чўчима сира,
Айни дам йикилиб тушмасанг бўлди,
Кўлимдан махкамрок ушласанг бўлди,
Хар босган изимиз биллур хотира.
Кумуш осмон гулдай сочар меҳрини,
Охиста чекиниб тун пардалари,
Юзингда порласа ой парчалари,
Корлар ўчиролмас севгим муҳрини.
2008

САС

Соя солмиш сабримга Согинч,
Саратонда сенсиз совкотдим.
Сохилларда саргайди севинч,
Сирларимни сўзларга сотдим.
Сочинг силаб саболар сархуш,
Сезмайсанми, сездирмайсанми?
Савол сонсиз, ситамлар серпушт,
Севмайсанми, севдирмайсанми?..
2010

КЎНГИЛ

Хеч бўлмаса, хафа бўлдим, де,
Ё бўлмаса, бирор сўз айт, хой!
Факат бундай карама менга,
Кўзим тегиб синиб колган Ой.
2008

СЕН

Биз икки сохилда бирдай кийналдик,
Хумор кўзларингдан тўкилди олмос.
Энди кандай яшай – рухимда хадик,
Сени кўрмасам ҳам, кўрсам ҳам бўлмас.
Кўксимда юлдуздай сўзлар асрадим,
Бир куни бахтингни порлатадиган.
Севги – бўғзимдаги кўхна хасратим,
Кўнглимни самога ўрлатадиган.
Нима учун ёндим, авж олдим нега?
Дардим-ла дардингни олмокчиман-ку!
Рухинг унутмасми мени эртага,
Сен билан Худога бормокчиман-ку!

2008

ГАЛАТИ ХОББИ

Мен унинг калбига кирмадим ўйнаб,
Боксам, кўзларидан хасрат ёғарди.
У лаззат оларди ўзини кийнаб –
Мендан хафа бўлиш унга ёкарди.

2008

Мен сизга бегона бўлмокчи эдим,
Жой бергим йўк эди хатто тушимдан.
Шундок ҳам хар нарса тигиз дунёда
Ўй-ташвиш айирай дейди хушимдан.
Муттасил кимнидир ахтариб келдим,
Мўлтираб хар ёнга бокдим интизор.
Шу кадар девона яшарми эдим,
Башарти ўзимда бўлса ихтиёр.
Сиз-ку аллақачон кечар эдингиз
Ўртаниб, ўртаган гариб Мажнундан.
Таассуф, хаммаси хал бўлиб бўлган
Кўзингиз кўзимда жилмайган кундан.
Шеър килиб сочаман бутун дардимни,
Согинсам, беркиниб оламан тунга.
Сиз хира хотирот аро гирёнсиз,
Хали ҳам бегона бўлмай менга.

2009

Ёлғиз-ёлғиз хаёллар сурдим,
Маломатнинг хиди хар ерда.
Тушларимда тентираб юрдим –
Юрагимнинг ярми каерда?
Шовуллайди беором боғлар,
Хар япрокда хасрат гупурса.
Уваланиб кетарди тоғлар,
Бир азиз бош елкамда турса...
Азоб рохат килар конимда,
Сингиб борар жонга нур тафти.
Учай дейман – йўксан ёнимда,
Кайлардасан, канотим жуфти?

2009

Хар кимга ҳам насиб этмайдиган Бахт
Зарра нигоҳимга бўлганида зор.

Жавобимни кутиб пойлаб турса Вакт,
Барини рад этсам такрор ва такрор;
Мазлум кўзёшига кокилмай деб бот,
Дорда юрган каби хушёр кадам-ла –
Кўлларимда лангар, сўрасам нажот,
Саодат тонгига элтса бу гамлар.
Ногахон Рух куши тилга кирганда,
Асли ким эканим туйкус англадим.
Сип-силлик кўчалар чорлаб турганда,
Мен шу бахтикаро йўлни танладим.
Нечун чорлайверар сир тўла само?
Балки, кимдир бизга илхак кўкда хам.
Учиб кетгим келар юлдуздай, аммо
Ерда Одам танкис, бунда Одам кам.
Хамон имлайверар юлдузлар зимдан
Тангрининг беминнат назари ила –
Оёк узгим келмас мушфик Заминдан,
Видолашгим йўқдир майсалар билан!
2011

Алам килмай кўйди хеч бири,
«Чик» дейди-ю, ўзи чикмас Вакт.
Мен Хаётни борича суйдим,
Хар томонда, хар кадамда Бахт.
Озор санчмас юракка ортик,
Бу гулларнинг ифори ўзга.
Кечаги жўн, совук одамлар
Жуда иссик кўринар кўзга.
Аллакачон овутиб олдим
Кўнглимни(нг) шўр кўз ёшин артиб.
Хаммасини кечириб бўлдим
Ўзгалару ўзимдан тортиб.
Кандай ёвуз кучлар бор бунда,
Билмаганим яхши – билмадим.
Гўр мавсумдан розиман, шаксиз,
Хато килиб хато килмадим...
2009

Хар лахза тийилиш азобига банд,
Юрак – кафасдаги некбин орзуманд.
Зулмат мил тортишга чоғланар харчанд,
Мудом шамси анвар кўзимга пайванд.
2010

?..
Йўк, хали олдинда видо онлари,
Факат бир кайрилиб ортимга бокдим.
Мени деб ёришди кимнинг тонглари,
Кимнинг карогига шамчирок ёқдим?
Йиртиб отмайдиган шеърларим борми?
Менга карши гувоҳ бўлмасми сўзлар?
Ранжитганим йўкми кишни, бахорни?
Рози кетдимикан меҳмон ёз, кузлар?
Бир куни Юрагим тилга кирганда,
Суйганим ўзимга бўлмасми зиён?
Кўзларим барини сотиб турганда,
Мени куткаргани келарми Иймон?
Кандай бўлар экан ишонч меваси?
Эккан-тикканларим пушмон бермасми?
Огир ботмасмикан калбим шеваси?
Каттикрок йўталиш исён эмасми?!
2008

Чиқиб кетса эди шу иблис кондан,
Сўнг топа олмасан мангуга изим.
Бир Хаёт бошласан ўшал хур ондан,
Ўз олдимда шувут бўлмасан юзим.
Кайтадан тозарсан – севсан кайтадан,
Чалгитмасан машъум хаёллар бир зум,
Арш сари зиналар кўйсан тавбадан,
Саодат асрини эслатсан умрим...
2010

ТАВАЛЛО

Хар ким ўз қисмати қошида ёлғиз,
Гарчи атрофимда дўстлар бор – холис,
Улар уммондаги хас қаби ожиз,
Ўзингдан ўзгага айтар дардим йўк.
Огир бу йилларнинг тоши енгилми,
Биров ечолмади тилсим севгимни,
Учратмасанг, кайдан топай тенгимни,
Ўзингдан ўзгага айтар дардим йўк.
Умримни чўкилаб зоглар алмашди,
Йўқолиб-йўқолмай доғлар алмашди,
Елкамдан тушолмай тоғлар алмашди,
Ўзингдан ўзгага айтар дардим йўк.
Ўйларим қишанда, қўнғим қишанда,
Сўрадим – сўрашни қилмадим қанда,
Авлиё бўлсан ҳам бандаси – банда,

Ўзингдан ўзгага айтар дардим йўк.
Савобу гуноҳда бекарордирман,
Ажаб, шу холимга сервикордирман,
Умидсизлик аро умидвордирман,
Ўзингдан ўзгага айтар дардим йўк!
2009

ТАКВО

Улар ўктам, минг бор шижоатлирок,
Кеча-кундуз койим, кўлида тасбех.
Яратганга мендан итоатлирок,
Хар нега соатлаб изламас ташбех.
Шамол шовкинидан бежоланмайди,
Тунлари дув-дув ёш тўккани билан.
Шохларин силкитиб хаволанмайди,
Кунда бир мўъжиза туккани билан.
Хар нечук, қисмати ойдин экан-да,
Гўдир пешонаси бунча яраклар.
Бош эгиб ҳам ўсиш мумкин, дегандай,
Таъзим қилиб турар мулло дарахтлар.
2010

Масжидга ўхшаса эди бу дунё,
Ишонч бирлаштира одамиятни.
Окибат дегани бўлмаса рўё,
Хеч кас йўкотмаса ор, хамиятни...
Хамма таркалмоқда дилга бериб зеб,
Яна оташ олди юракда бир Чўг.
Меҳримни эҳсондай улашайин, деб
Ташкарига чиксам, пойабзалим йўк.
2010

Юборсанг Ўзингнинг ёнингга юбор,
Чақирсанг Ўзингнинг кошингга чақир.
Кўзимдан ўтолмай саргашта губор,
Номингни айтганга нажот бор, ахир.
Ёдинг-ла банди эт саркаш хаёлим,
Бошкани ўйламай, бошкани демай.
Сохиби кудратим, Сохибкамолим,
Ўзгани Ўзингдай севдирма – севмай.
Кўркаман ёлгондан, кўркаман чиндан,
Хаётбахш сўзларга тилимни бойла.
Тазарру менадир, магфират Сендан,
Раҳм айла, раҳм айла, яна раҳм айла.

Манглайга Ошик деб дастхат битиб кўй.
Тоабад дунёга ишким тушмасин.
Мухтожман, бундан-да мухтож этиб кўй –
Ўзингдан бошкага ишим тушмасин.
Нуктача бўлолмай котдим каршингда,
Осий хисларимни буткул даф этгин.
Вужудим бахшида, Рухим бахшида,
Севгимни Севгингга мушарраф этгин.
2010

ЎРТАР

Гуссалардан олтин кафас кургандайман,
Лахча-лахча чўг устида юргандайман,
Бу дунёда ижарада тургандайман,
Толеъ деган килмас писанд, Машраб бобо.
Енгилгина кўшиклари ялло-ялло,
Оёкларнинг остиндаги лойми, тилло?
Каминанинг тахаллуси чаламулло,
Тутумим хам шунга монанд, Машраб бобо.
Нега келдим манов гурбат маконига?
Тутиб бердим ўзимни гам пайконига,
Кўзим куйди кириб севги дўконига,
Жандангиздан олмадим панд, Машраб бобо.
Томиримдан куйлар окар – сувораман,
Кўзёшлари завк улашган фаввораман,
Ўз-ўзимни авраш билан овораман,
Кўнглим синик, дилим дардманд, Машраб бобо.
Йўл юраман, мўл юраман, йўлим етмас,
Хирожига на жоним, на молим етмас,
Йигирма беш йилдан бери кўлим етмас,
Этагингиз бунча баланд, Машраб бобо?!
2008

Шу чиркин матохга борми учмаган?
Барининг онгига губор сачраган.
Бойликни кир когоз билан ўлчаган
Тўдага тескари бокишни ўргат.
Бу йўлда юзини йўкотган кўпдир,
Илдизу изини йўкотган кўпдир,
Энг керак сўзини йўкотган кўпдир,
Аларнинг сафидан чикишни ўргат.
Дарёлар багрига сигмас жилгаман,
Бирда сокин эсам, бирда долгаман,
Лойка хислар билан тагин булгамай –
Тубигача тиник окишни ўргат.

Тошларнинг кўнглига бир бор кўл солсам,
Ранжима кошинга пича кеч колсам,
Адашиб-адашиб йўл топиб олсам,
Юракдан чангларни кокишни ўргат.
2009

Рахматига ихлос айлаб захмат чексанг,
Огрикларинг халоватга айлансалар.
Дил богига алвон-алвон гуллар эксанг,
Хушбўйлари салавотга айлансалар.
Марвариддай лахзаларни йикканингда,
Уфklar сари манзур-манзур бокканингда,
Камтарликнинг чўккисига чикканингда,
Таъзимларинг салобатга айлансалар.
Ёлгиз Унинг ёди бирла ўйга чўмсанг,
Ёлгонларни кайтиб чикмас жойга кўмсанг,
Ором чоги кўзни кўркмай, кўркмай юмсанг –
Ўйкуларинг ибодатга айлансалар.
Томирингда окар хаёт нашидаси,
Хар кадаминг – тирикликнинг касидаси,
Бир ўзгариб гамнок дунё харитаси,
Андухлари саодатга айлансалар.
Тафаккурдан канот боглаб кўкка учсанг,
Сўнг юракнинг суханида гавхар сочсанг,
Жумла жахон бахтин сўраб кафтинг очсанг –
Дуоларинг ижобатга айлансалар...
2010

ИБРАТ

Гадосифат бойни хам,
Денгиз ютган сойни хам,
Игна кирган жойни хам
Бир Зот кўриб турибди.
Эл ошаган ошларни,
Ерни ўпган бошларни,
Пинхон-пинхон ёшларни
Бир Зот кўриб турибди.
Ким ортимдан отмиш ўк,
Ким соямга килар дўк,
Адоватим, гинам йўк –
Бир Зот кўриб турибди.
Дилинг согми ё бемор,
Ичинг ичида не бор,
Гарчи тўрт ёнинг девор,
Бир Зот кўриб турибди.

Парда шитирлашидан
Нега кўркасан, эй, тан,
Пардасиз нури билан
Бир Зот кўриб турибди.
Бехзод, гул эк изингга,
Хазир бўлгин сўзингга,
Хар не килсанг – ўзингга,
Бир Зот кўриб турибди.
2009

Кечагина олам мисли жаннат эди,
Эвох, нафас олишим ҳам санъат эди.
Туфрок бўлган япроклардан хикмат ўкиб,
Бошим эгиб туришларим савлат эди.
Парча-парча йиллар аро тўлгонаман,
Качон кайта ўчмас бўлиб уйгонаман?
Не ажабким, бошқасига ройиш бермас,
Кўнглим гулин ўзимданам кизгонаман.
2011

Бошга тушганини кўз кўрди яна,
Хаёт оз меҳрини соз кўрди яна,
Шўр эди пешонам, туз кўрди яна –
Бир ўзим биламан, бир Ўзи билар.
Кутдим, куттирганга билдирмай кутдим,
Бардошни ёнимдан жилдирмай кутдим,
Бошқасин хаёлга келтирмай кутдим –
Бир ўзим биламан, бир Ўзи билар.
Аёвсиз ёкамдан тутуди бир дард,
Ичимдан ичимга ўтади бир дард,
Жонимда гуркираб ётади бир дард –
Бир ўзим биламан, бир Ўзи билар.
Дил уйи лахзада ёришар-кетар,
Унга борган кувонч мендан ҳам ўтар,
Севаман – яшашга шу асос етар –
Бир ўзим биламан, бир Ўзи билар.
2011

СЎНГГИ ВАЪДА

Ёруг шеърлар ёзаман энди,
Сен ҳам факат яхши тушлар кўр.
Мен иккинчи ўзимни енгдим,
Хеч нарса йўк юрагимдан зўр.
Ўз измига тушар хаммаси,

Кор остида колиб кетмас из.
Жинкўчада зулмат шарпаси,
Омон саклар бизни Ишкимиз.
Ота, сизга ўхшолмайман деб,
Беркитмайман нурга хонамни.
Бу ахволда яшолмайман деб,
Кўрkitмайман мушфик онамни.
Нима йўлдан урар бандани?
Айтганингдан четга жилмайман.
Тангрим, кечир мен арзандани,
Ортик Сенга исён килмайман.
Ўз юртига хайдайман гамни,
Йўкотишдан, тамом, кўркмайман.
Тополмаса агар кулбамни,
Ёругликни ўзим йўклайман.
2008

Шамоллар абадий, ёмгирлар мангу,
Биздан сўнг хам оппок корлар колади.
Шаксиз, яшайверар кувончу кайгу,
Изхорлар, икрорлар, зорлар колади.
Минг йилларки, аслин ўзгартмас тоғлар,
Салобати ўша, викори ўша.
Таровати сўнмас диловар боглар –
Хануз тошкин хислар талпинган гўша.
Бехос такрор-такрор чорладим, чоги,
Япроклар тизилиб келди сўзимга.
Кобиргаси синган хазонлар охи
Охангдор хасратдек туюлмас кимга?
Шунчаки таклидга ўхшарми бу хол –
Демангиз, бу факат илхом онлари.
Рухимда яшади шундай безавол
Хаёт деган шеърнинг кахрамонлари.
Шамоллар. Ёмгирлар. Дарёлар. Тоғлар...
Азал нафасини келтиргай абад.
Япроклари оят ўкиган боглар...
Табиат тилида илохий суҳбат.
2011

КОРШЕЪР

Осмон бодрок тўкди кун бўйи –
Борлик кўйни тўла оппок дур.
Табиатнинг бу кумуш тўйи
Бўготларга улашар хузур.
Кўпни кўрган огочлар яна

Елкасига олар бор юкни.
Хали давом этар тантана –
Асраш керак хар нозикликни
Кекса мўри зерикмас чекиб,
Лек хавони килмас бемаза.
Изгириннинг калами тегиб
Гулзор бўлиб кетди дераза.
“Оккуш бўлиб канот ёзайлик!..”
Хаёлларнинг йўқдир поёни.
Ташкарига шошар гўзаллик
Шарфга ўраб олиб хаёни.
Поклик чулгаб борар хар ерни,
Оклик инар далаю бокка.
Аёзкотиб энг дилбар шеърни
Дог юктирмай кўчирар окка...
2008

Улар кўздан йирок, кўнгилга якин,
Мўъжиза яшринган япрокларига.
Хавасинг ва жиндай хасадинг келар
Йўколиб кетмаган титрокларига.
Чирой очиб аста бошин кўтарар,
Сўнг гўзал бўлишга журъат килгайдир.
Агар еб кўймаса кўю кўзилар,
Даштни бу чечаклар жаннат килгайдир.
2009

НАШИДА

Ўшанда хам навбахор эди –
Борлик зангор, дунё навкирон.
Куртакларга гапим бор эди,
Юрак тилга кирганда бийрон.
Яна ўрик шохлари сархуш,
Гулоб тутар нимпушти, оппок.
Кеча эди эгнида кумуш,
Бугун зумрад тўн киймиш чорбог.
Бутоқлардан мўралар умид,
Камол ваъда этар гунчалар.
Нимагадир бўлгандай шохид,
Шаббода бир сохир куй чалар.
Сочларини сувга таратиб
Ўлтирибди мажнунтол шайдо.
Ўз-ўзидан чирой яратиб
Борган сари табиат зебо.
Кўкда рангин хислар жамулжам,

Жилвасидан камашади кўз.
Пучмокдаги сўнгни корни хам
Эритади хадемай Наврўз!
2010

Уйгониш накадар гўзалдир,
Тириклик лаззати беназир.
Созингнинг умрини узайтир,
Йўлингга ёгдулар мунтазир.
Кучогин тўлдирмиш боғларга,
Багритош эмасдир, багритош.
Бир кара мўйсафид тоғларга,
То хануз боладай кўнгли ёш.
Сўкмоклар абадий саволдир,
Коялар – буюклик ошиги.
Саболар хаётбахш наводир,
Жилгалар – мухаббат кўшиги.
Булутлар бўйнида аргимчок,
Турналар алкаган айём бу.
Кўлингдан келади яшамок,
Севгидай бебахо инъом бу.
Хаёлни кўй, огир хаёлни,
Ярашмас бемаврид ўртансанг.
О, юрак, билмайсан заволни,
Бахорга ўхшашни ўргансанг.
2010

Балосиз – гўёки гамимни ейсиз,
Захардан ўткиррок чой бериб кўйиб.
Тортинмай бемалол ўтиринг, дейсиз,
Игнанинг учидан жой бериб кўйиб.
2010

Кундузнинг ризки бор туннинг ортида,
Кимларнинг бахти бут кимнинг дардида,
Тентираб юрибман сўзлар юртида –
Хакикат аралаш, ёлгон аралаш.
Кунда нафс отига тиларман тўзим,
Гох кўнглим алдайди, гохида кўзим,
Коврилиб ётибман ўзимда ўзим –
Мухаббат аралаш, исён аралаш.
Узилиб-узилмас ишонч иплари,
Аёвсиз отилар бало тўплари,

Рухимда эврилиш талотўплари –
Эътикод аралаш, гумон аралаш.
Бўтадай бўзлайман, тойдай кишнайман,
На асал ялайман, на тош тишлайман,
Бирда саргаяман, бирда яшнайман –
Умримда Хамалу Мезон аралаш.
2009

ИЗОХ

Ўзимни яширдим – ўзимдан кочдим,
Хечликнинг багрида яйрай деб бир оз.
Аммо нелар килай, нафас олсам ҳам –
Чикиб келаверди “Мен” деган овоз.
2009

Кўзим толди – кутмок дарди огир экан,
Йўлга караб ўтмок дарди огир экан.
Барига-ку чидаш мумкин, лек хар нафас
Ўз-ўзингни титмок дарди огир экан.
2010

ДЎСТ

Мени телбаларча кўмсар Ёлгизлик,
Кўзлари йўлимда илхак, нигорон.
Уни ҳам хар кўйга солар ёрсизлик,
Шуниси ёмон-да, шуниси ёмон.
Нечундир, бу холга осон кўникдим,
Кўнглим чопар унинг кўнглин олгани.
Ёнингга бормасам, кечир, севиклим,
Кўркади Ёлгизлик ёлгиз колгани.
2008

Одамга зор бўлиб ўтган кунларим,
Кутмаган кунларим, кутган кунларим,
Умримга ярашиб ётган кунларим,
Мен сиздан розиман, сиз рози бўлинг.
Билмадим ва ёки билмаган бўлдим,
Дунёни назарга илмаган бўлдим,
Тиниб бўлдим, гарчи тинмаган бўлдим,
Мен сиздан розиман, сиз рози бўлинг.
Яхшию ёмонга аталган сўзлар,
Кўнглимни бир кадар кўтарган сўзлар,
Бўғзимга пичокдай кадалган сўзлар,
Мен сиздан розиман, сиз рози бўлинг.

Худами, беҳуда узок ўйладим,
Эртакка ўхшамас эртак сўйладим,
Хар канча совурдим – Вактга тўймадим,
Мен сиздан розиман, сиз рози бўлинг.
Эртамни эслатманг, олманг хавотир,
Хар нега кодирдир юрак – баходир,
Балки, бу битиклар сўнгги хатодир...
Мен сиздан розиман, сиз рози бўлинг.
2010

МАЙДОН

1

Ойдинда от ўйнатдим,
Ёнсин-ёнсин юлдузлар.
Дилбулокни кайнатдим,
Ўнгурларда тош музлар.
Доглар босиб юзини
Ой ухлар кай кўйинда?
Нур йўқотди ўзини
Халол-харом ўйинда.
Ёлгон ётар болалаб,
Ор аламда ковриллар.
Ялтир-юлтур шон талаб,
Кимга колди давралар?

2

Юрак чикди кинидан,
Дунёларга сигмайман.
Ўлганимнинг кунидан
Кўшиқ айтиб йиглайман.
Кўксингни нур догласа,
Ёруг ният бўлади.
Йигит ошкор йигласа,
Элга уят бўлади.
Ўрнингизни кизгонинг,
Асли тоза мардларим.
Уйгонинг-а, уйгонинг,
Ай, полвонча дардларим!

2008

Бир кўзимда оташ, бир кўзимда сув,
Икки дарё аро омонат тогман.
Лаб тегмаган сўзлар – сулувдан-сулув,
Аларнинг кўйида даллию догман.
Пойимда жон сўраб эзилди тупрок,
Хақиқат кўшиги экан сукутлар.

Сизни тушунаман ўзимдан кўпроқ,
Бошимда ёғолмай турган булутлар.
Билмасам бўлмасди билмаслигимни,
Кандай огир экан билмаслик илми.
Ё бор этар ёки йўкотар мени
Сўзларнинг лутфию сўзларнинг зулми.
2008

Хали сўз айтарман Ўзга муносиб,
Дунёнинг умрига этар парвози.
Маида гапларимни кетажак босиб
Ичимдаги асл Инсон овози.
2011

НАЖОТ

Такдир кандай тадбир этар эртага?
Кўнглимда мукаддас ният кўқарар.
Ким кўлга ишонар, биров елкага,
Мени эса бир кун сўзлар кўтарар.
Бору йўқлик билан келсам юзма-юз,
Изимдан эргашса кора нукталар;
Иймоним сўз эрур, амалим хам сўз,
Ўшанда хам мени сўзлар кутқарар.
2009

Тушунган тушунди, укмаган укмас,
О, бу сўзлар деб нак аклимдан оздим.
Юракнинг буйруги хар доим хакмас,
Рахмон не буюрса, ўшани ёздим.
2012

СЎНГСЎЗ

Канот килиб энг учкур сўзни,
Юлдузларни эттириб хиром,
Хаммасига чирт юмиб кўзни
Шартта учиш керак – вассалом!
2009

«Кутмаган кунларим, кутган кунларим» (2012) китобидан.

Бехзод ФАЗЛИДДИН 1983 йил 20 сентябрда Наманган вилояти Чуст туманидаги Дамобод кишлоғида тугилган. 2005 йили Ўзбекистон давлат жахон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети бакалаврлик босқичини, 2007 йили Жахон иктисодиёти ва дипломатия университети магистратурасининг халқаро

журналистика бўлимини тамомлаган.

«Мукаддас замин» (1999), «Богларингдан кетмасин баҳор» (2000), «Онамнинг кўнглига кетамиз» (2003), «Сен қачон гуллайсан» (2008), «Кутмаган кунларим, кутган кунларим»(2012) номли шеърӣ тўпламлари, кўплаб бадиӣ-публицистик, илмӣ мақолалари чоп этилган.

Муаллифнинг бошқа асарлари билан <http://behzodfazliddin.uz> сайти орқали танишишингиз мумкин.